# Тошкент ҳақиқати

№ 63 (10.489).

1993 йил 3 июнь пайшанба

Нархи 10 сўм.

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси**

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.


## Ислом КАРИМОВ:

# АЖДОДЛАР ХОТИРАСИНИ ЙЎҚЛАШ—ЯХШИЛИК БЕЛГИСИ

Ўзбек билан қозоқнинг ери ерига, дили дилига туташ. Бу икки халқ ўртасида қадим-қадимдан қудандачилик мавжуд.

Аслида бу гаплар фақат ўзбек билан қозоққа эмас, бугун биз Марказий Осиё деб аталаётган минтақада яшовчи барча халқларга бирдай тегишли. Бу табаррук замин халқларининг тўй-ҳашамлари бир-бирининг иштирокисиз ўтмаган. Ота-боболаримиздан қолган бу удум, бу анъана эндиликда қайтадан тикланмоқда. Халқларимиз, юртбошиларимиз ўртасидаги ўзаро яқинлик, меҳр-муҳаббат, бевосита мулоқотлар ривожланмоқда. Шўро даврида тили дили, урф-одати бир бўлган қўшни республикаларга бориш, у ердаги тадбирларда иштирок этиш учун ҳам марказнинг имдоди зарур эди. Шукроналар бўлсинки, энди бундай «имдодларсиз» ўз ишимизни билиб қилаверамиз, хоҳлаган жойимизга борамиз, истаган давлатнинг раҳбарини таклиф эта оламиз. Мустақилликнинг энг буюк самараларидан биридир бу.

Шу йилнинг 28 майида Чимкент вилоятида ўтган тантаналар, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига кўра, у ерда Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари Ислом Каримов ҳамда Асқар Ақаевнинг иштирок этиши ана шу фикрларнинг амалий бир ифодаси сифатида намоён бўлди.

28 май эрта тонгда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни Чимкент аэропортида Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, республиканинг бошқа раҳбарлари кутиб олдилар. Ҳар иккала республиканинг давлат мадҳиялари янгради.

Меҳмонлар мезбонлар ҳамроҳлигида тантаналар ўтадиган жой — Жанубий Қозоғистоннинг Рдсяй деб аталадиган тепаликларига йўл олдилар. Ўрдабошига бутун Қозоғистон аҳолиси оқиб келарди гўё. Юз минглаб одамлар қозоқ халқининг XVIII асрда ўтган ардоқли фарзандлари Тўла бий, Қозибек бий ва Айтеке бийнинг хотирасига бағишланган тантаналарда иштирок этиш учун ошиқарди.

Бу ерга тўпланганлар уч давлат Президентлари — Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Асқар Ақаевни ҳамкорликда кўриб, диллари яйради, чеҳралари ёришди, кўзларн қувонди. Зотан, халқларнинг дўстлиги, аҳил ва иноқлиги, бир-бирини ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаши аввало, давлат раҳбарларининг ўзаро аҳиллигига, яқинлигига боғлиқ. Буни одамлар биладилар. Шу боис уч Президент Ўрдабошн кенгликлари бўйлаб одамлар орасидан ўтишганида минглаб аёлу эркак, ёшу кекса баравар олқишладилар уларни. аҳилликларингни Оллоҳ ўзи ёмон кўздан асрасин, деб дуо қилди оқсоқоллар.

Қозоғистон Президенти тантанани очар экан, мустақилликка эришгандан сўнг қозоқ халқи ўз ўтмишига бошқача кўз билан қараётганини, миллий қадриятларни тиклаш, аждодлар руҳини шод этиш учун бирмунча ишлар олиб борилаётганини, бирлик, ҳамкорлик бугун ҳар қачонгидан кўра муҳимроқ эканини таъкидлади.

Байрамнинг очилиш маросимида Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. У ўзининг, бутун ўзбек халқининг номидан байрам иштирокчиларини табриклади. Турон заминида яшаётган халқларнинг илдизи, мақсади, бир, деди Президентимиз. Уларни ҳеч қачон бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бизлар катта бир чинорнинг шохларимиз. Тилимиз бир, динимиз бир, урф-одатларимиз бир.

«Ўзбекнинг ҳам, қозоқнинг ҳам, қирғизнинг ҳам асрий орзулари амалга ошди. Халқларимиз ўз давлатларига эга бўлди. Энди бизлар бир ёқадан бош чиқариб, қўлни қўлга бериб, порлоқ истиқбол биносини қуришимиз керак, — деди Ислом Каримов. — Халқларимиз бугунги кунда катта қийинчиликларни бошдан кечираётгани барчамизга аён. Бугунги мушкулотдан фойдаланиб, бизнинг орамизга совуқлик солишга, ҳатто бир-биримизга қарши гижгижлашга ҳаракат қилаётган кучлар ҳам бор.

Бизлар, айниқса, бу ерга йиғилган давлат раҳбарлари, битта нарсани жуда яхши англаб олишимиз керак: Турон заминида яшаётган халқлар бирлашса, бир-бировини қўлласа, бир-бировини ёмон кўздан асраса, турли қўпорувчиларнинг ёлғон ваъдаларига учмаса — ана шундагина биз ҳақиқий мустақилликка эришамиз...

Ўйлайманки, бугунги тантаналар — қозоқ халқининг учта атоқли бийини хотирлашга йиғилганмиз — Марказий Осиё халқларини яна да жипслаштиришга, бир жон ва бир тан этишга хизмат қилади».

Чиндан ҳам, Турон тупроғи халқларининг ҳамкорлиги бугун ниҳоятда зарур ва муҳим аҳамиятга молик. Шу жиҳатдан уч қозоқ бийининг хотирланиши ҳам ўзига хос рамзий маънога эга Чунки, бу бийлар ёвга—жўнғарларга қарши курашда қозоқ халқини бирлаштиргган, уларни аҳилликка даъват этган. Шу бийларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли қозоқлар бирлашиб, бир ёқадан бош чиқариб ёвга қарши омонсиз курашганлар ва юртни ёв босқинидан асраб қолганлар.

Бу бийларнинг фаолияти, ўша тарихий воқеалар бугун учун намуна бўлмоғи зарур. Қозоқнинг ҳам, ўзбекнинг ҳам, қирғизнинг ҳам мустақил бўлганини, ўз давлатига, ўзининг ҳақиқий юртбошисига эга бўлганини кўролмаётган ғанимлар оз эмас. Буни минтақамиздаги ҳар бир киши — ёши, касби, лавозимидан қатъи назар — чуқур англаб етмоғи зарур...

Тантананинг очилиш маросими тугагандан сўнг Тўла бий, Қозибек бий ва Айтеке бий хотирасига ёдгорлик комплекси ўрнатиладиган жойда рамзий тош қўйиш маросими бўлди. У ерга республикаларнинг вакиллари гуллар қўйдилар.

Сўнг уччала Президент баланд тепаликка кўтарилдилар. У ерда Президентлар қўшма баёнотни имзолодилар.

...Ўрдабоши тепаликлари ажойиб бир манзара касб этган. Бу ерда Жанубий Қозоғистоннинг деярли барча туманларидан келиб, ўтовлар тикишган. Ўтовни ҳар бир туман аҳолиси ўзига хос тарзда безаган, таомлар ҳам шунга яраша. Сулув қозоқ қизларининг қўлидан қимизу қимрон ичишнинг ҳам ўз гашту лаззати бор.

Расмий маросимлардан сўнг Президентлар Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Асқар Ақаев ўтовларга ташриф буюрдилар, турли туманлардан келган меҳнаткашларнинг вакиллари билан суҳбатлашдилар. Одамлар уч республика юртбошилари олиб бораётган сиёсатдан мамнун эканликларини, энг асосийси, бу уччала мамлакатда ҳам осойишталик, хотиржамлик мавжудлигини, ана шу энг катта бойлик эканини таъкидладилар. Қариялар юртбошиларни қайта-қайта дуо қилдилар. Уларга ҳурматнинг рамзи сифатида Ислом Каримов, Асқар Ақаев ва Нурсултон Назарбоевга биттадан тулпор совға этдилар.

Тантананинг бадиий қисми ҳам жуда қизиқарли бўлди. Майдонда жўнғарларнинг ҳужумига қарши қозоқ халқи қандай курашгани, бу ҳаёт-мамот жангида уччала бийнинг фаолияти, халқни бирликка даъват этгани, ана шу туфайли ёв енгилгани акс эттирилган. театрлашган томошалар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Тушдан кейин Ўрдабоши кенгликларида уч республика санъаткорлари ижросида концерт намойиш этилди. Қозоқ ва қирғиз оқинлари қатори Ўзбекистон халқ артистлари Ғуломжон Ёқубов, Ортиқ Отажоновнинг ашулаларини, раққосаларимизнинг сержило ва ишвакор рақсларини томошабинлар олқишлар билан кутиб олдилар.

Мустақиллик қозоқ халқи учун ҳам миллий қадриятларни тиклашда кенг имкониятлар очиб бермоқда. Бу Ўрдабоши тантаналарида ҳам кўринди. Миллий кураш, айтишувлар, оламан пойга ва бошқа томошалар шундан далолат берди.

Кечга томон Президентлар Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Асқар Ақаев ва уларнинг ҳамроҳлари Чимкент шаҳри яқинидаги Дендро паркка ташриф буюрдилар. Азиз ва ҳурматли меҳмонлар учун баҳаво бу масканда ажратилган хиёбонга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қирғизистон Президенти Асқар Ақаев дарахт экдилар. Президентимиз Ислом Каримов боғнинг фахрий меҳмонлар китобига дил сўзларини ёзиб қолдирди.

Ислом Каримов Чимкент аэропортида Нурсултон Назарбоев, Қозоғистон Республикасининг бошқа раҳбарлари билан хайрлашар экан, бундай тадбирлар халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашда, ёшлар қалбида Ватанни севиш, унинг қимояси учун доим тайёр туриш лозим деган туйғуни барқарор қилишда катта аҳамиятга молик эканини қайд этди. Ўтмишни эслаш, аждодларнинг хотирасини улуғлаш — яхшилик белгиси, деди у.

«Барака боши — бирлик» шиори остида ўтган бу байрам турон замини халқларининг дўстлиги намойишига айланди.

**М. ҲАЗРАТҚУЛОВ.**
**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

**Муқаддас Ийд ал Адҳа муносабати билан Сиз, жаноби олийларини, Иордания қироллиги ва ҳукумати халқи номидан мубораклод этаётганимдан мамнунман. Биродар Ўзбекистон халқига зафарлар ва фаровонлик тилайман.**

**Иордания қироли Ҳусайн Биринчи.**

* * *

**Сизни муборак Ийд ал Адҳа байрами билан самимий табриклаб, Буюк Аллоҳдан барча мусулмонларга юксак хайрихоҳлик беришини, Сиз, жаноби олийларига, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат ато этишини тилайман. Ўзбекистон халқига, барча мусулмонларга фаровон ҳаёт ва кўркамлик ёр бўлсин.**

**Уммон султони Қобус бин САИД.**

* * *

**Аввало Афғонистон Ислом давлати ва шахсан ўз номимдан Сизни ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон халқини Қурбон ҳайит билан табриклайман.**

**Халқларимиз ўртасидаги қардошларча анъанавий дўстликнинг тарихий илдизлари бор, бу дўстлик давр синовидан ўтган, кун сайин мустаҳкамланиб, кенгайиб бормоқда. Қардош Ўзбекистон халқи билан диний, тарихий ва маданий илдизларимизнинг муштараклигига, шунингдек яхши қўшничилик муносабатларига асосланиб, дўстлигимиз янада ривожланиши ва мустаҳкамланишига умид қиламиз.**

**Кези келганидан фойдаланиб, Сизга ва оилангизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, муваффақият, қардош Ўзбекистон халқига тинчлик, эркинлик ва фаровонлик тилайман.**

**Эҳтиром билан**

**Муҳаммад ОМОН,**
**Афғонистон Ислом Давлатининг муваққат ишлар вакили.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

**Н. Н. ЁҚУБОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

**Носиржон Норович Ёқубов Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.**

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 28 май.

ПИЛЛАЧИЛИК

## БИРИНЧИ БЎЛИБ ТОПШИРДИЛАР

ТОШКЕНТ. (Телефон орқали олинди). Район пиллакорлари бу тармоқни ҳам жадал ривожлантириш, фойдали соҳага айлантириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Шу мақсадда бир вақтлари эътибор берилмай қўйилган пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, тутзорларга қаровни яхшилаш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилди. Пиллакорлар — қурт боқувчиларнинг моддий манфаатдорлигига катта эътибор берилди. Кўрилган тадбирлар қисқа вақт ичида яхши самара бера бошлади. Бунн Навоий номли жамоа хўжалиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Хўжаликда бу йил 45 оилавий звено—пиллакорларга 45 қути уруғ тарқатилди. Қурт уруғини боқиш учун хонадон эгаларига яхши шарт-шароитлар яратилди. Айниқса, баргни тақсимлаш, уни ўз вақтида, расамади билан етказиб бериш устидан назорат қучайтирилди. Натижа анча самарали бўлди. Пилладан юқори ҳосил олиш имкониятлари туғилди. Айниқса, хом ашёнинг сифатли бўлиши учун кўрилган чоралар яхши натижалар берди. Пиллакорлар фурсатни бой бермай, хом ашё топшириши бошлаб юбордилар. Биринчилардан бўлиб Ҳалима Шомуротова қабул пунктига маҳсулотни олиб келди. У топширган пилла 86 килограмм чиқди. Насиба Убайдуллаева 44,5 килограмм, Зуҳра Шомуротова 67 килограмм, Лола Абдуллаева 47,5 килограмм хом ашё топширди. Хўжаликда пилла топшириш қизитиб юборилди. Мўлжал бўйича 2 тонна пилла топширилиши керак. Бу режа яқин икки-уч кун ичида, албатта, бажарилади.

**Н. ИСАЕВ.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## ЎЗБЕКИСТОН ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ («ЎЗФАРМСАНОАТ») ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК КОНЦЕРНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Дори-дармонлар ва биологик моддалар ишлаб чиқарувчи бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, фармацевтика саноатини янада ривожлантириш ва республика аҳолисининг доривор моддаларга бўлган эҳтиёжини яхшироқ қондириш мақсадида:

1. Ўзбекистон республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзкимёфарм» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Вакцина» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон кимё технологияси ва катализи илмий-тадқиқот институти, кимё ва пахта целлюлозаси технологияси илмий-тадқиқот институтининг Ўзбекистон фармацевтика саноати («Ўзфармсаноат») давлат-акционерлик концернини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон фармацевтика саноати («Ўзфармсаноат») давлат-акционерлик концерни:

ўз фаолиятида Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб бериб туради;

бирлашмаларни, корхоналарни ва мулкчиликнинг барча шаклларидаги ташкилотларни акциялар билан таъминлаш принциплари асосида уларни ихтиёрий бирлаштиради ҳамда ташкилотларнинг хўжалик мустақиллигини ва юридик шахс ҳуқуқларини сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган низом асосида ишлаб чиқариш — хўжалик фаолиятини амалга оширади;

фармацевтика саноатини ривожлантириш учун марказлаштирилган тарзда концернга ажратиладиган капитал маблағлар ва моддий-техника заҳиралари лимитлари жамғармаларини сақлайди ва тақсимлайди;

концерн таркибига кирувчи бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларни акционерлик, жамоа, қўшма корхоналарга ва мулкчиликнинг бошқа турларига айлантириш, жумладан, бу ишни хорижий юридик шахслар, фирмалар ва давлатлар иштирокида амалга ошириш тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритади.

3. Қуйидагилар «Ўзфармсаноат» концернининг асосий вазифаларидир:

дори-дармонлар яратиш ва уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, аҳолининг, даволаш-профилактика муассасаларининг дори-дармонларга, биологик моддаларга, бошқа тиббий ва санитария-гигиена маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қондиришга оид тадбирларни амалга ошириш;

фармацевтика саноатини комплекс ривожлантириш, ушбу тармоқ корхоналарини ҳудудий жиҳатдан жойлаштиришни такомиллаштириш, табиатни муҳофаза қилиш сиёсатини ўтказиш масалалари юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг республика ҳамда маҳаллий органлари билан ҳамкорлик қилиш;

доривор воситалар ва уларни ишлаб чиқариш технологияларини яратиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ягона илмий-техника сиёсатини ўтказиш;

республикамизда доривор моддалар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, хорижий шериклар билан илмий-техникавий ва иқтисодий ҳамкорликни такомиллаштириш ва кенгайтириш ҳисобига уларни четдан харид қилишни қисқартириш дастурини ишлаб чиқиш ва изчил амалга ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 20 кун муддат ичида «Ўзфармсаноат» концернини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалаларига доир қарор қабул қилсин, концерн тузилмаси ва уставини тасдиқласин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 2 июнь.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори*

## 1993 ЙИЛДА КУПОНЛАР БЕРИШНИНГ ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ЯНГИ ЖАДВАЛИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Энг кам иш ҳақи, пенсиялар ва стипендиялар кўпайтирилиши муносабати билан Вазирлар маҳкамаси қарор қилади:

1. Шу йил 1 июндан бошлаб бериладиган купонлар миқдорини аниқлашнинг янги табақалаштирилган жадвали иловага биноан белгилансин. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1993 йилнинг биринчи чораги намунасидаги купонлар карточкаларининг амал қилиши сақлаб қолинсин.

Қиймати 3000 ва 5000 купондан иборат купон карточкалари қўшимча равишда муомалага чиқарилсин.

2. Мулкчиликнинг барча шаклларидаги вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар зарур миқдордаги купон учун тегишли банк муассасаларига 1993 йил 5 июнга қадар талабномалар топширсинлар ва шу йилнинг июнь ойи учун купонлар 7 июнгача берилишини таъминласинлар.

3. Марказий банк, Молия вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Алоқа вазирлиги, Пенсия жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари бўлган бошқа вазирликлар ва идоралар шу йил 10 июнгача пенсиялар ва стипендиялар тўланишини таъминласинлар.

4. Молия вазирлиги купон карточкалари тайёрлашга ва уларни Марказий банк муассасаларига етказиб беришга харажатлар учун пул ажратишни таъминласин.

«Ўзшартномасаводо» «Шарқ» матбаа-полиграфия концернининг талабномасига мувофиқ уни зарур миқдордаги қоғоз билан таъминласин.

5. Вазирлар маҳкамасининг 1993 йил 31 мартдаги 166-сон, 1993 йил 10 майдаги 211-сон қарорлари кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ўртоқ Б. С. Ҳамидов зиммасига юклатилсин.

**Вазирлар маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ.**

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ИЛОВА

**1993 ЙИЛГИ ҚАЙД ЭТИЛГАН ДАРОМАДЛАР БУЙИЧА БЕРИЛАДИГАН КУПОНЛАР МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ ЖАДВАЛИ**

| Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва бошқа даромадлар (солиқлар ва ушлаб қолинган пуллардан ташқари) | қайд этилган миқдори | Бериладиган купонлар миқдори |
|---|---|---|
| 7500 сўмгача | | 3000 |
| 7501—20000 сўм | | 3000 қўшув 7500 сўмдан ортиқ пулнинг 20 фоизи |
| 20001—50000 сўм | | 5500 қўшув 20000 сўмдан ортиқ пулнинг 15 фоизи |
| 50001 сўм ва ундан ортиқ | | 10000 қўшув 50000 сўмдан ортиқ пулнинг 10 фоизи |

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ҚАРОРИ

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ШАҲАР 76-ЛЕНИН САЙЛОВ ОКРУГИ БУЙИЧА ЎРНИ БЎШАБ ҚОЛГАН ДЕПУТАТ ЎРНИГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайлови ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22 ва 54-моддаларига асосан:

Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар 76-Ленин сайлов округи ҳудудидаги меҳнат, турар жой жамоалари аъзоларининг йиғилишларида округ сайлов комиссияси аъзолигига кўрсатилган сайловчилар вакилларидан иборат округ сайлов комиссияси қуйидаги таркибда ТАСДИҚЛАНСИН:

**Округ комиссияси раиси**

**Мухторов** Турсунхўжа Сайдуллаевич — 160-қурилиш трестига қарашли 225-бошқармасининг участка бошлиғи, 225-бошқарма меҳнат жамоаси номидан.

**Комиссия раисининг муовини**

**Қалиқулов** Омонгелди — «Ғунча» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси директорининг муовини, шу бирлашма меҳнат жамоаси номидан.

**Округ сайлов комиссиясининг котиби**

**Дусембаева** Азиза Умарбаевна — «Ғунча» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасиининг цех мастери, шу бирлашма меҳнат жамоаси номидан.

**Комиссия аъзолари**

**Асилтоев** Молдабек Ордабекович — «ЭЛЕКТРОХИМПРОМ» ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги «Капролактам» қўшма корхонасининг машинисти, шу корхона меҳнат жамоаси номидан.

**Гадоев** Равиль Шомаматович — «ЭЛЕКТРОХИМПРОМ» ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги «Капролактам» қўшма корхонаси 3-цех аппаратчиси, шу меҳнат жамоаси номидан.

**Золотарева** Виолета Викторовна — «Чирчиқсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг муҳандис-технологи, шу бирлашма меҳнат жамоаси номидан.

**Киргетов** Виктор Евсеевич — «Чирчиқсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг муҳандис-технологи, шу бирлашма меҳнат жамоаси номидан.

**Ромашковец** Александра Александровна — «Ғунча» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат фахрийси, шу бирлашма меҳнат жамоаси номидан.

**Ёқубова** Элвира Аметовна — «Чирчиқсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бўёқчиси, шу меҳнат жамоаси номидан.

**Тошкент вилояти Ҳокими**
**С. САЙДАЛИЕВ.**

1993 йил 2 июнь.

## ГЕКТАРЛАР ТЎЛА БЎЛДИ

ЧИНОЗ. «Гулзоробод» жамоа хўжалигида бу йил 545 гектар майдонда пахта етиштирилмоқда. Ҳар гектаридан режадаги 28,5 ўрнига 32 центнердан ҳосил олишга аҳд қилган деҳқонлар қийинчиликларни енгиб, чигитларни тўла ундириб, кўчатларни бутлаб олдилар.

Олди майдонларда ғўзани иккинчи марта культивация қилишга киришилди. Культивация билан бир йўла гектарига 250 килограммдан азот солиб кетилмоқда. Бу тадбирни амалга оширишда Д. Қодиров, Х. Йўлдошев, Н. Қўзибоев, Б. Умаровлар бошлиқ бригадалар олдинда боришмоқда. Илғор механизаторлар кунига 6—7 гектар майдондаги ғўзага ишлов бермоқдалар. Ғўза парвариши ҳар бир даланинг тупроқ шароити, экинларнинг ҳолати ва ривожига қараб олиб борилянти. Энг аввало иш сифатига катта эътибор берилаётир.

Деҳқонлар муҳим агротехник тадбир — яганалашни ҳам тез ва соз тугалладилар. Бу ишда С. Ашуралиева, М. Қорабоева, А. Қўзибоева, С. Эргашева каби колхозчилар яхши натижаларга эришдилар.

Айни кунларда хўжаликда 8 та культиватор ишлянти. Ғўза парвариши жадал олиб борилмоқда.

**Т. ЭРХЎЖАЕВ.**

## *Ўзбекистон Республикасининг Қонуни*

# ДАВЛАТ УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

**Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий асосларини ва тартибини белгилаб беради.**

**Уй-жойга эгалик ҳуқуқини олиш фуқароларга ўз маблағларини кўчмас мулкка самарали сарфлаш, ўз уй-жойига эркин эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш имконини беради.**

### I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда.**

Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш (бундан буён «хусусийлаштириш» деб юритилади) деганда фуқароларга уларнинг ихтиёрига қараб давлат уй-жой фондининг улар эгаллаб турган ёки янги қурилган квартираларини, уйларини (уйларининг бир қисмини) сотиш, шу жумладан имтиёзли асосда сотиш ёки текинга мулк қилиб бериш тушунилади.

Давлат уй-жой фонди маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг уй-жой фонди ҳамда давлат органлари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг тўлиқ хўжалик тасарруфида ёки оператив бошқарувидаги уй-жой фондидир.

**2-модда.**

Давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришга доир қонунлар ушбу Қонундан ҳамда унга мувофиқ чиқариладиган бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан ҳам тартибга солинади.

**3-модда.**

Давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришнинг асосий қоидалари:

Ўзбекистон Республикасининг барча хусусийлаштириш субъектлари давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришда тенг ҳуқуқларда иштирок этиши;

хусусийлаштиришнинг ихтиёрийлик асосида бўлиши;

хусусийлаштиришнинг уй-жой муаммосини ҳал этиш билан ўзаро алоқадорлиги;

ҳақ эвазига ва текинга бериш хусусиятининг уйғунлаштирилиши;

фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш;

ошкоралик, ижтимоий адолатга риоя этилиши;

хусусийлаштиришнинг амалга оширилиши жараёни устидан давлат ва жамоатчилик назоратининг ўрнатилишидан иборатдир.

**4-модда.**

1. Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш:

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган фуқароларнинг айрим тоифаларига квартираларни, уйларни (уйларнинг бир қисмини) текинга бериш;

давлат квартираларини, уйларини (уйларнинг бир қисмини) Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига ва юридик шахсларига, ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга сотиш йўли билан амалга оширилади.

2. Давлат квартираларини, уйларини (уйларнинг бир қисмини) ҳамда хусусийлаштирилган квартираларни, уйларни (уйларнинг бир қисмини) сотиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда амалга оширилади.

**5-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш субъектларига давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш ҳуқуқи фақат бир марта берилади.

**6-модда.**

Хусусийлаштирилган уйлар жойлашган ер участкаларига ва уларнинг этагидаги ҳудудга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ер тўғрисидаги қонунларда назарда тутилган тартиб ва шартларда амалга оширилади.

**7-модда.**

Фуқароларнинг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан уйлари бузилиши натижасида, агар уларга бузилган уйлари эвазига пул товони тўланмаган бўлса, давлат уй-жой фонди уйларидан олган турар жойлари, шунингдек табиий офатлар оқибатида уйлари бузилиши муносабати билан олган квартиралари, бу квартиралар қачон ажратилганидан қатъи назар, уларга ёки уларнинг ворисларига текинга берилади.

**8-модда.**

Фуқароларга қарашли бўлган уй, иморат ва иншоот ушбу Қонун амалга киритилганидан кейин бузилгани тақдирда ана шу фуқароларга, улар оила аъзоларига, шунингдек ушбу уйда доимий яшаб турган ва уй рўйхатидан (пропискадан) ўтган бошқа фуқароларга ўз хоҳишига кўра ҳамда томонларнинг келишувига биноан текинга квартира олиш ёхуд тегишли корхона, муассаса, ташкилот томонидан янги жойда уй, иморат ва иншоот қурилиб, ўз мулклари қилиб берилиш ёки бузилган уй, иморат, нобуд бўлган экин ва дов-дарахтлар эвазига товон пули олиш ҳуқуқи берилади.

**9-модда.**

Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларга ўз ходимлари ҳамда пенсионерлари уй-жой қурилиши ёки уйни хусусийлаштириш мақсадида олган қарзи ёки кредитини тўлиқ ёхуд қисман тўлаш ҳуқуқи берилади.

**10-модда.**

Фуқаролар томонидан белгиланган тартибда хусусийлаштирилган турар-жойлар давлат уй-жой фондидан чиқарилиб, якка тартибдаги уй-жой фонди таркибига киритилади.

**11-модда.**

Меҳнатга қобилиятсизлар, ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва уларнинг оила аъзоларига, агар уларнинг жон бошига тўғри келадиган ўртача ойлик даромадлари энг кам иш ҳақидан оз бўлса, шунингдек биринчи марта никоҳдан ўтган турар жойга муҳтож ёш оилаларга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган рўйхатга биноан фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланмаган ва таъминоти оз бошқа тоифаларига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузурида аниқ мақсадга қаратилган ижара шартномаси талаблари асосида хусусийлаштириш ҳуқуқисиз фойдаланиладиган коммунал уй-жой фонди ташкил этилади.

### II БОБ. ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ОБЪЕКТЛАРИ ВА СУБЪЕКТЛАРИ

**12-модда.**

1. Хусусийлаштириш объектларига:

фуқаролар ижара шартномаси асосида фойдаланаётган кўп квартирали уйлардаги квартиралар ва бир квартирали уйлар (уйларнинг бир қисми);

қайта тиклаш, таъмирланиш ишлари тугалланган-у, аммо одамлар кўчиб кирмаган ва бўшатилган уйларнинг квартиралари, бир квартирали уйлар (уйларнинг бир қисми);

янги қурилган уйлардаги квартиралар киради.

2. Янги фойдаланишга топширилаётган давлат уй-жой фондининг турар жойлари фуқароларга келгусида хусусийлаштириш ҳуқуқи билан ҳақ тўлаб яшаш учун ёки ижарага берилиши мумкин.

3. Уй-музейлар, меъморчилик, тарих ва маданият ёдгорликлари ҳисобланувчи квартира ва уйлар;

ёпиқ шаҳар ва объектлардаги уйларнинг квартиралари;

умумий ётоқларнинг хоналари;

белгиланган тартибда яшаш учун яроқсиз деб топилган квартиралар;

хизмат квартиралари, хоналари (уйлари);

икки ва ундан зиёд ижарачи яшаб турган бўлса-ю, улардан айримлари хусусийлаштиришга рози бўлмаган квартиралар хусусийлаштирилиши мумкин эмас.

**13-модда.**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган (уй рўйхатида ўтган) Ўзбекистон Республикасининг, бошқа давлатларнинг фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар хусусийлаштириш субъектлари ҳисобланадилар.

2. Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва бошқа юридик шахслари, бошқа давлатларнинг юридик шахслари ўз ходимлари ва пенсионерларини уй-жой билан таъминлаш учун уй-жой фонди эгасидан уй-жойни сотиб олишлари мумкин.

3. Давлат уй-жой фонди таркибидаги уйларда ижара шартномаси асосида турар жойни эгаллаб турган фуқаролар биргаликда яшаб турган барча балоғат ёшидаги оила аъзолари ва турар жой майдонида ҳақи бўлган бошқа шахсларнинг розилиги билан шу турар жойни ушбу Қонунда кўзда тутилган шартларда ўз мулки қилиб, шу жумладан биргаликда ёки улушбай асосида эгалик қилиш учун сотиб олишга ҳақлидирлар.

4. Хусусийлаштирилган турар жой эгасининг оила аъзолари ҳамда турар жой майдонига ҳақли бўлиб, уни хусусийлаштиришга розилик берган шахслар шу турар жой майдонидан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар, хусусийлаштирилган уй-жойни сотиш ёки ижарага бериш уларнинг розилиги билан амалга оширилади.

**14-модда**

Хусусийлаштирилган квартиранинг, уйнинг (уй бир қисмининг) эгаси:

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг, давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларига путур етказмаган ҳолда ана шу турар жойга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

коммунал хизматлар ҳақини тўлашда, кўчмас мулк учун солиқ тўлашда, суғурта бадалларини тўлашда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида белгиланган тартибда имтиёзлардан фойдаланиш;

эгаллаб турган майдонинг сатҳидан қатъи назар, бошқа квартиранн, уйни (уйнинг бир қисмини) сотиб олиш;

квартирага, уйга (уйнинг бир қисмига) турар жой майдонининг сатҳидан қатъи назар, ушбу Қонун 13-моддасининг биринчи бандида ўқтирилган оила аъзоларини, бошқа шахсларни уй рўйхатидан ўтказиш,

ўз квартирасини, уйини исталган бошқа квартирага ёки уйга, шу жумладан кооператив квартира ёки уйга уй рўйхатидан ўтказиш ва турар жой борасида ҳеч қандай чекловларсиз айирбошлаш;

ширкатлар ташкил этиш ҳамда турар жой ва биргаликда тасарруф этиладиган жойлардан фойдаланиш бўйича бундай ишларни амалга оширувчи ташкилотни, шу жумладан давлат уй-жойлардан фойдаланиш ва таъмирлаш қурилиш ташкилотларини, кооперативлар, хусусий ҳамда бошқа хўжалик субъектларини мустақил белгилаш, уй-жойларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун шартномалар тузиш;

уйлар ва уйлар олдидаги ҳудудларни ораста сақлаш борасида бажарилаётган ишлар сифатини баҳолашда бевосита ёхуд ширкатлар таркибида қатнашиш, шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки белгиланган тартибда бажармаганлик учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга нисбатан, шунингдек айрим шахсларга нисбатан жарима чоралари қўллаш юзасидан материаллар тақдим этиш;

хусусийлаштирилган уй-жойдан фуқароларни кўчирмасдан амалга оширилиши мумкин бўлмаган капитал таъмирлашни ўтказиш пайти учун мулк эгаларидан ёки турар жой фондини идора этишга ваколати бўлган органлардан турар жойни ижарага олиш ҳуқуқига эгадир.

### III БОБ. ДАВЛАТ УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

**16-модда.**

Фуқаро давлат уй-жой фондига қарашли уйдаги квартирани (уйнинг бир қисмини) ўз мулки қилиб ҳақини тўлаб сотиб олиш (ёки бепул олиш) учун ўзи истиқомат қилаётган давлат уй-жой фонди тасарруфида бўлган туман, шаҳар ҳокимига, корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятига ариза беради. Ариза узоғи билан икки ой муддат ичида қараб чиқилади.

**17-модда.**

Ҳарбий хизматчиларга берилган давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда амалга оширилади.

Давлат хўжаликлари ва бошқа давлатга қарашли қишлоқ хўжалик корхоналарининг уй-жой фондини хусусийлаштириш тартиби маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўқтириб ўтилган уй-жой фонди эгалари томонидан биргаликда белгиланади.

**18-модда.**

Турар жойларни хусусийлаштириш давлат уй-жой фондининг эгаси ёки у ваколат берган давлат бошқаруви органи томонидан амалга оширилади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағи ҳисобига пайчилик шарти билан янги қурилган квартиралар ва уйларни хусусийлаштириш тартиби корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ўзлари томонидан, давлат маблағлари ҳисобига қурилган квартиралар ва уйларни хусусийлаштириш тартиби эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**19-модда.**

Фуқароларнинг алоҳида уй, квартира ва хонага бўлган эгалик ҳуқуқи турар жой қиймати тўлиқ тўланган (сотиб олинган) ва ордер олинган пайтдан бошланади.

Турар жойнинг ҳақини тўлаб ва текинга хусусийлаштираётган фуқароларга уй-жой эгасининг қарори асосида эгалик ҳуқуқини берувчи ягона шаклда белгиланган давлат ордери берилади. Ордер хусусийлаштирилган уй-жой учун қонуний ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат ҳисобланиб, техника инвентаризацияси органларида рўйхатдан ўтказилиши шарт.

**20-модда.**

Хусусийлаштирилаётган турар жойни баҳолаш белгиланган тартибда давлат ихтисослаштирилган лойиҳа ташкилотлари томонидан қолдиқ баланс қиймати бўйича амалга оширилади.

**21-модда.**

Турар жойларни хусусийлаштириш фуқароларнинг шахсий жамғармалари, корхоналар ва ташкилотларнинг маблағлари, шунингдек, имтиёзли шартларда бериладиган кредитлар, ссудалар эвазига ҳамда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**22-модда.**

Давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг махсус ташкил этилган бюджетдан ташқари хусусийлаштириш уй-жой счётига ўтказилади ҳамда турар жой хўжалигини сақлаш ва ривожлантириш учун фойдаланилади.

### IV БОБ. ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН ТУРАР ЖОЙЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА УЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ

**23-модда.**

Хусусийлаштирилган турар жойларга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш уй-жой фондидан фойдаланиш ҳамда уни таъмирлашнинг ягона қоида ва меъёрларига албатта риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда амалга оширилади.

Хусусийлаштирилган квартираларга, уйларга (уйларнинг бир қисмига) хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш борасида имтиёзларга эга бўлган шахслар тоифасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

**24-модда.**

Хусусийлаштирилган турар жойлардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш шартнома асосида амалга оширилади. Тўлиқ хусусийлаштирилган уйдаги турар жой эгалари уйдан фойдаланиш ширкати тузишлари мумкин. Бу ширкат уйга хизмат кўрсатувчи ва уни таъмирловчи ташкилотни мустақил танлайди.

Қисман хусусийлаштирилган уйлардаги фуқароларнинг мулкига айланган турар жой хоналарига хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш уй-жой фондидан фойдаланиш ҳамда уни таъмирлашнинг ягона қоида ва меъёрларига албатта риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда амалга оширилади.

Хусусийлаштирилган турар жойларнинг эгалари унинг инженерлик ускуналарига, умумий фойдаланиладиган жойларига хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш ҳамда унинг теварак-атрофига қараш билан боғлиқ харажатлар ҳақини ўзлари эгаллаб турган умумий майдонга мутаносиб равишда тўлайдилар.

**25-модда.**

Хусусийлаштирилган квартиралар эгаларининг тузилган шартномалар бўйича уйга қараш ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш билан боғлиқ қарзлари белгиланган тартибда ундириб олинади.

### V БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

**26-модда.**

Давлат уй-жой фонди квартираларини, уйларини (уйнинг бир қисмини) хусусийлаштиришда юзага келадиган низолар суд ёки хўжалик суди томонидан ҳал қилинади.

**27-модда.**

Давлат уй-жой фонини хусусийлаштириш қандай бораётганлигини назорат қилиш мазкур уй-жой фондининг эгаси ёки у ваколат берган давлат бошқарув органи томонидан амалга оширилади.

**28-модда.**

Ушбу Қонун талаблари бузилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва фуқаролар қонунларга биноан жавобгарликка тортиладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 7 май.

---

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

**«ДАВЛАТ УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1. «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган пайтдан эътиборан амалга киритилсин.**

**2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:**

**уч ойлик муддат ичида:**

**Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштиришга оид таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига тақдим этсин;**

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин;**

**Республика вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари ушбу Қонунга зид келадиган ўз меъёрий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишини ҳамда бу ҳужжатларнинг бекор қилинишини таъминласин;**

**ушбу Қонун 4-моддасининг 2-бандидаги, 11-моддасидаги, 17-моддасининг 1-хатбошисидаги, 23-моддасидаги қондалар бажарилишини таъминловчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;**

**1994 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши муҳокамасига Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
**Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 7 май.

---

*• Фаоллар йиғилишлари*

## БИЗ УЧУН АНИҚ ДАСТУР

Ангрен шаҳрида бўлиб ўтган фаоллар йиғилиши қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Республика Олий Кенгаши XII сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида фикр юритдилар.

Йиғилишда сўзга чиққан шаҳар ҳокими С. Юсупалиев, Ангрен шаҳри бўйича давлат назоратчиси М. Ҳасанов, халқ демократик партияси шаҳар кенгашининг биринчи котиби А. Қўқонов, тажриба-механика заводи директори И. Савчук, 9-шахта касаба уюшма комитетининг раиси Ф. Исроилов, шаҳар прокурорининг ўринбосари С. Йўлдошев ўртоқларнинг нутқларида истиқлол мафкурасини яратиш масалаларига алоҳида эътибор берилди, миллатлараро тинч-тотув ҳаёт кечириш, аҳиллик, бозор иқтисодиёти муносабатларини ривожлантириб бориш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши кураш, меҳнат интизоми ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш бўйича мулоҳазалар юритилиб фойдали таклифлар айтилди.

Йиғилиш қатнашчилари шаҳар иқтисодиётида рўй берган ҳолатни таҳлил этдилар. Улар шаҳарда саноат ишлаб чиқариши суръати сусайганлигини ташвиш билан тилга олдилар. Шу йилнинг биринчи чорагида Ангрендаги 26 саноат корхонасидан 18 таси маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг шу даврдагига қараганда анчагина камайтириб юборганлиги қайд қилинган. Бундай ҳолат ёқилғи-энергетика соҳасида ҳам кўзга ташланади. Шаҳарнинг ўнлаб саноат корхоналари эса халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтириб юбордилар. Натижада улар 135 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулотни кам ишлаб чиқардилар.

Саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг пасайиб кетишида объектив сабаблар билан биргаликда хўжаликлараро алоқанинг пухта эмаслиги, раҳбарият томонидан талабчанликнинг бўшашиб кетганлиги, ташаббускорликнинг етарли эмаслиги, айниқса, турли даражадаги ишлаб чиқариш раҳбарлари томонидан илгари қабул қилинган қарорларни бажариш борасида назоратнинг сустлиги асосий сабабдир.

Йиғилишда сўзга чиққанлар бозор муносабатларини ривожлантиришда давлат корхоналарини қонунлар асосида хусусийлаштириш масаласига кўпроқ тўхталдилар. Ангренда 6 мингдан зиёд киши акционерлик ва ижара корхоналарида ҳамда ташкилотларда ишламоқда, 1300 нафар киши эса хусусий корхоналарда фаолият кўрсатмоқда.

Йиғилиш иштирокчилари бу борадаги ишларни яна ҳам жадаллаштириш ва корхоналарни давлат тасарруфидан чиқаришга жиддий эътибор бериш зарурлигини таъкидладилар. Ана шу асосда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш, турларини кўпайтириб бориш лозимки, уларсиз республиканинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаб бўлмайди.

Йиғилиш қатнашчилари Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» рисоласининг муҳимлигини таъкидладилар. Ангрендаги вилоят педагогика институтининг ректори Н. Иброҳимов, 31-боғча мудири И. Марковина, халқ-демократик партияси шаҳар кенгашининг биринчи котиби А. Қўқонов ўртоқлар қонунга ҳурмат, аҳоли фаровонлигини яхшилаб бориш билан боғлиқ рисолада ўз ифодасини топган мавзулар ҳақида сўзладилар.

Анжуман иштирокчилари Республика Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Олий Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи асосида қатор вазифаларни белгилаб олдилар. Президентнинг рисоласи долзарб пайтда чиққанлигини ҳам қайд қилдилар.

Ангрен шаҳри фаолларининг йиғилишида Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари А. Раҳимбоев иштирок этди.

## ҲИНДИСТОН—ЎЗБЕКИСТОН ҲАМКОРЛИГИ

**Тез орада Ҳиндистон телевидениеси дастурлари Ўзбекистон телевидениеси орқали мунтазам кўрсатила бошлайди. Ҳиндистон ҳукумати бошлиғи Нараснмха Раонинг яқинда шу республикага қилган ташрифи вақтида маъқулланган битимга мувофиқ Тошкент ва Ўзбекистоннинг бошқа минтақалари аҳолиси ҳар куни бир ярим соат мобайнида машҳур ҳинд фильмлари, кўнгилочар драмаларини, етакчи эстрада ижрочиларининг концертларини кўриши мумкин бўлиб қолади.**

**РАТА-ТАСС мухбири Алексей Кузнецовнинг Деҳлидан хабар қилишича, дўстлик нишонаси сифатида Деҳлидан Тошкент телемарказига зарур кўрсатув ускуналари юборилади. Бугун ЮНИ ахборот маҳкамасининг хабарига кўра, Бош вазир Нараснмха Рао ҳинд маданиятига Ўзбекистондаги қизиқиш зўрлигини пайқаб олгач, у. ҳақда шахсан қарор қабул қилган.**

**(ЎзА).**

*• Саҳоват*

## МУРУВВАТ КЎРСАТИЛДИ

РЕСПУБЛИКА Президенти Ислом Каримовнинг «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этиш тўғрисидаги фармонини зўр қизиқиш билан кутиб олган Юқоричирчиқ тумани шифокорлари келажагимиз ворислари бўлган ёш авлодни ҳам жисмоний, ҳам ақлий жиҳатдан баркамол ўсиши учун барча тиббий муолажаларни яхшилашга ҳаракат қилмоқдалар Бу ўринда «Гулистон» жамоа хўжалиги марказида жойлашган район туғуруқхонаси шифокорларининг ишлари тўғрисида илиқ гапларни айтиш мумкин.

Яқинда туғуруқхонада оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўлида тинмай изланишда бўлаётган жамоа ташаббуси билан ҳайрия йиғини ўтказилди. Йиғинда республика соғлиқни сақлаш вазири Ш. И. Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади. У ўз нутқида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг саломатлигини мустаҳкамлашда республика раҳбарияти ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатаётганлигини таъкидлади. Шундай экан, бу борада жойлардаги тиббиёт муассасалари ва уларнинг ходимларидан катта матонат билан меҳнат қилиш зарурлигини уқтирди.

Шу куни туғуруқхона ҳисобига турли ташкилот, корхона, муассаса ва хўжаликлардан ҳамда фуқаролардан 1 миллион сўмдан ортиқ пул тушди. Биргина район тайёрлов ва савдо ширкати туғуруқхонага 100 минг сўм пул ҳадя этди. Шунингдек «Гулистон» жамоа хўжалиги 100 минг сўмлик тиббиёт асбоб-ускуналари инъом қилди. «Дўстлик», «Ийк ота» ва Жамбул номли жамоа хўжаликлари ҳам бу ҳайрияга ўз улушларини қўшди. Туғуруқхона бош шифокори Римма Ким ҳайрия йиғини қатнашчиларига, маблағ ҳадя этган жамоалар ва фуқароларга барча тиббиёт ходимлари номидан миннатдорчилик билдирди.

**И. ХОЛТУРСУНОВ,**
**«Сурҳат» район газетаси муҳаррири ўринбосари.**

**● СУНГГИ йиллар ичида 1-Тошкент тиббиёт институтининг тиш касалликларини даволаш ва болаларга ясама тишлар қўйиш кафедрасида амалий машғулотлар сифати янада яхшиланди. Бундай дарсларни энг малакали шифокор — олимлар олиб бормоқдалар. Суратда: кафедра мудири, профессор А. Абдуазимов ассистентлар ва талабалар билан амалий машғулот пайтида.**

**Д. АҲМАД олган сурат.**

## БИРИ НОДИРА, БИРИ УВАЙСИЙ...

Алишер Навоий номли жамоа хўжалигининг марказий кутубхонасида ўзбек шоираси Нодира таваллудининг 200 йиллигига аталган адабий кеча бўлиб ўтди. Кечада Нодирабегим қиёфасида мактаб ўқувчиси Турсуной Тошбоева, Увайсий ролида Д. Содиқова, Зебуннисо ролида М. Аҳророва чиқди. Нодира ғазаллари ёддан айтилди ва улар билан ижро этиладиган қўшиқлар янгради. Кеча кутубхоначилар Ш. Хоннозова ва Г. Тошбоевалар томонидан уюштирилди.

**Ҳ. ОТАҚУЛОВ**
**Бекобод райони.**

# БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ИЗИДАН

**МАЪЛУМКИ, шу йилнинг сентябрь ойида юртимизда яшаб ижод этган Баҳовуддин Нақшбанд таваллуд топган кунинг 675 йиллиги кенг нишонланади. Ана шу санага ҳозир катта тайёргарлик кўрилмоқда. Тарихчи олим Мурод Мирзо Аҳмадқори ўғли қадимий «Амир Темур юрган йўллар бўйлаб» ўтказилган халқаро илмий экспедицияда қатнашиб, Нақшбанд ватани Бухоро ва унинг ёдгорлик мажмуи тарихи ҳақида бир қанча маълумотлар тўплаган. Қуйида Бухоро тарихидан айрим лавҳалар ва Нақшбанд мажмуи ҳақида маълумотлар билан танишасиз.**

## БУХОРО ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

ТАРИХИЙ манбаларга мурожаат қилсак, Бухоро шаҳри номини эрамиздан аввалги II асрда Хитой саёҳатчилари биринчи бўлиб тилга олганлар. Эрамизнинг IV асрида хитойлар шаҳарни Пу Хо, Ну Ми деб атаганлар. Шаҳарнинг тарихига оид ҳар хил ривоят ва афсоналар ҳам мавжуд. Масалан, Эрон шоҳининг ўғли Сиёвуш Бухорога келади. подшо Афросиёбнинг қизига уйланади ва шу ерда қўрғон (арк) қуради. деб ҳикоя қилинади.

X-аср тарихчиси бухоролик Норшоҳий бирорта шаҳар Бухорочалик кўп номларга эга бўлган эмас, деб ёзган. Масалан, хитойлар ва уйғурлар уни «Бухор» (яъни, бутлар макони), ўрис шарқшунос олими В. Б. Бартольд «Бихара» (қадимий ҳинд тилида тарки дунё қилган зоҳидлар яшайдиган жой) сўзидан келиб чиққан, деб ҳисоблаган. Бу атамалар ҳозирги «Бухоро» сўзига жуда яқиндир.

Бухоро шаҳрининг пайдо бўлиши тарихи ҳақида Норшоҳий шундай ёзган эди: «...қадим замонларда Бухоро шаҳри ўрнида қўллар, қамишзорлар, чакалакзорлар бўлган. Бу ерда жуда кўп қушлар ва ҳайвонлар яшаган. Айрим жойларда дарахтлар ва бутазорлар шунчалик кўп қалин ўсганки, ҳатто уларни ҳайвонлар ҳам оралаб ўта олмаганлар. Самарқанд томондаги тоғларда қор эриб катта дарё ҳосил қилган. Бу дарёни Мосаф (ҳозирги Зарафшон) деганлар. Дарё суви форобгача (Амударёнинг ҳозирги ўзанигача) оқиб бориб, жуда мўл бўлиб, у ердаги қумларга сингган. Илгари кўл бўлган жойларни (ҳозирги Бухоро шаҳрининг ўрни) аста-секин лойқа босган, кўл атрофига, айниқса, Туркистон томонидан кишилар келиб, жойлаша бошлаган. Бу жойда сув, ўрмон, қушлар ва ҳар хил ҳайвонлар кўп. Кўчиб келган кишилар учун ҳамма қулайликлар бўлган. Одамлар бу ерда ҳам доимий туриб қолганлар. Улар даставвал чодирларда яшаганлар, кейин уй қура бошлаганлар.

Бухоро тарихи ҳақидаги маълумотларга қараганда эрамиздан аввалги VI асрда Эрон шоҳи Кир, сўнгра Дарий Бухоро ерларини босиб олганлар ва 330 йилгача (эрамизгача) ҳукмронлик қиладилар. 329 йилда (эрамизгача) Искандар Зулқарнайн Эронни забт этгач, Бухоро-Сўғдиён (Осиёдаги бошқа жойлар билан бирга) ҳам юнонлар қўлига ўтади. Эрон шоҳларига қаршн Чўпон Широқ курашган бўлса, юнон лашкарларига қарши Марокант (Самарқанд)да Спитамен бошчилигида қўзғолонлар кучайган. Лекин юнонлар Сўғдиёнда эрамизнинг II асригача ҳукмронлик қилдилар.

Эрамиздан аввалги I асрдан бошлаб Бухоро Кушон давлатининг бир қисмини ташкил этди.

Эрамизнинг V асрида Бухоро эфталитлар давлатига кирди. VII-VIII асрларда Бухоро фани ва маданияти жадал ривожланди. Бунга сабаб ислом динимизнинг ўлкада кенг ёйилиши эди.

IX асрда Бухорода балхлик Исмоил Сомоний ҳукмронлик қила бошлайди. Шу вақтдан эътиборан Сомонийлар сўлоласи юзага келган. Бу деярли Марказий Осиёни ўз ичига олган давлатга айланиб, Бухоро унинг пойтахти бўлади. X асрда Бухоро юксак маданийлашган феодал марказга айланди. Жаҳонга машҳур олимлар, шоиру ёзувчилар, рассомлар хизмат қилдилар. Масалан, тарихчи Норшоҳий, шоирлардан Рудакий ва Дақиқий, табиб ва математик,энциклопедист Абу Алн ибн Сино, тарихчилардан Белазурий, Тоборий, Ибн Масковейх ва бошқалар. Булар нафақат бизнинг, балки, жаҳон фанн ва маданиятининг ривожига катта ҳисса қўшган алломалар эди.

Тоқи-Телпакфурушон ўрнида китоб бозори бўлган, шунинг учун бу қуббани Тоқи-Китобфурушой деб атаганлар. Бу ерда турли китоблар ва қўлёзмаларнинг савдо-сотиғи бўлган.

Шаҳарда жуда катта кутубхоналар бўлиб, Ибн Сино бу кутубхоналарни тасвирлаб берган. Кутубхонада китобларнинг каталоги, китоб сақланадиган махсус жойлар бўлган.

Бухорода Сомонийлар даврида шуҳрати жаҳонга машҳур бўлган тарихий ёдгорлик — машҳур Исмойл Сомоний мақбараси қурилди. Сомонийлар ҳукмронлиги 874 йилдан 999 йилгача бўлган.

999 йили Еттисувдан Қорахонийлар келиб, Бухоро худудини 1141 йилгача эгаллаб турдилар. Шаҳарда қорахонийлар даврининг ажойиб дурдоналари-ёдгорликлари сақланиб қолди, булар: Арслонхон минораси, Маҳоқи Аттори ва Номозгоҳ масжидлари, шунингдек, Чашмаи-Айёб мақбарасидир. Минора эса бу обидаларнинг энг ажойибидир. У масжиди Калон, Мир Араб мадрасаси ва Амир мадрасаси каби қизиқарли меъморий мажмуининг бир қисми ҳисобланади.

XIII аср бошларида Бухоро воҳаси (Сўғдиёна) билан мўғуллар қизиқиб қоладилар. 1220 йилда Чингизхон Сўғдиённинг кўп қисмини қўлга киритган, аҳоли таланиб қул бўлган.

XIII асрнинг иккинчи ярмида Бухоро яна ривожлана бошлайди. Бу вақтда италиялик сайёҳ Марко Поло Бухорога келиб, шаҳарни кўргандан сўнг уни Улуғвор шаҳар деб атаган. Маҳмуд Торобий (Торобий қишлоғидан) мўғул босқинчиларига қарши бош кўтариб чиқади, лекин қўзғолон бостирилади.

XIV аср дунё тарихида буюк ўзгаришлар даври ҳисобланади. 1370 йилда Амир Темур тахта ўтиргач. Бухоро ҳам унинг ҳокимиятининг таркибий қисмига кирди. Амир Темур даврида Самарқанд ва Шаҳрисабзда катта қурилиш ишлари олиб борилган. Самарқанд Амир Темур ҳокимиятининг пойтахти бўлгани учун асосий куч шу шаҳарга сарфланди. Лекин бухорода Амир Темур даврида олдин қурилган Чашмаи-Айюб мақбараси, Маҳоки Аттори ва Номозгоҳ масжидлари ҳам яхши таъмир қилинган.

Археологик манбаларга асосланадиган бўлинса, XIV асрда Бухорода ҳам иншоотлар қурилган. Шаҳарнинг кўп жойларида ўша даврга хос кўк ранг кошинлар топилмоқда.

Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек даврида Бухоро ислом динимиз ва маданият маркази сифатида шаклланиб борди. Улуғбек Бухоро, Самарқанд ва Ғиждувонда мадраса, Самарқандга яқин жойда астрономик расадхона қурдирди.

1506 йилда Бухорони Шайбонийлар эгалладилар. XVI асрнинг иккинчи ярмигача Самарқанд бу сулоланинг пойтахти бўлиб қолаверди, лекин Абдуллохон II даврида — (1557-1598) эса Бухоро шайбонийлар давлатининг пойтахтига айланиб. Бухоро хонлиги деб аталди.

1595 йилда Бухоро хонлигини Астрахан шоҳларининг номи билан аталган Аштархонийлар номли сулола бошқарди.

1740 йилда Эрон шоҳи Нодирхон Бухорога юриш қилиб, Бухоро хонлигини эгаллади ва маҳаллий феодаллардан Муҳаммад Раҳимни шаҳарда вакил қилиб қолдирди. Муҳаммад Раҳим тез орада ўзини Амир деб эълон қилди ва янги Манғит сулоласини (1753-1920) тузди. Демак, бу сулола амирликнинг тугашигача давом этди.

Бу манғитларнинг ҳукмронлиги даврида Бухоро шарқ мусулмонлари дини маданиятининг марказига айланди. Диний китобларда Бухорони «Бухорон шариф» яъни муқаддас деб атадилар, бу бежиз эмас эди, албатта.

1868 йилда генерал фон Кауфман Бухорога ҳужум қилиб, уни чор Русиясига тобе қилиб қўяди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухорода демократик маърифатчилар ҳаракати бошланиб, Аҳмад Дониш бу ишга бош бўлди.

Асримиз бошларида Бухорода ёш бухороликларнинг «жадидизм» деб аталувчи сиёсий оқими ташкил топди. «Жадид» арабча сўз бўлиб, «янги» деган маънони беради.

1920 йил 2 сентябрда Бухоро амирининг истеҳкоми ишғол қилинди ва амирлик қулатилиб, шўро ҳукумати ўрнатилди.

## БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ЁДГОРЛИГИ

Баҳовуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуи деворида ёзилган қуйидаги битиклар мужассам.

«Алҳамдулиллоҳи роббил оламин вас-салоту вассалому Ало хайрй халқихи Муҳаммадин ва Ало олихи ва Асхабихи аҳмаийн».

Ҳазрати Сайид Муҳаммад Баховуддин Нақшбанд ибни Сайид Жалолиддин Нақшбандйя тариқатининг улуғ машойихларидандурлар. Бу киши соҳиби каромат ва олими раббоний. Қуръони Карим ва пайғамбар алайҳиссаломнинг буюрганларини халққа етказиб, ислом динй ривожига муҳим ҳисса қўшган ва «Дил ба ёру, Даст ба кор». Мазмуни: «Кўнгил Оллоҳда ва қўл ишда бўлсин» — деган шиор билан чиқиб, Марказий Осиё ва Ислом оламида маданиятни тарқатишда катта хизмат қилган зотдирлар. Ҳазрати Баҳовуддин шу ерда, яъни Қасри Орифонда ҳижрий 717 (мелодий 1318) йил туғилиб нашъу намо топганлар. Ҳазрати Баҳовуддин «Ҳаётнома», «Далиллул-ошиқин» ва бошқа китобларнинг муаллифларидурлар. Ҳижрий 791 (мелодий 1389) йилда шу ерда вафот этганлар. «Нақшбанд» деган сўзни маъноси ушбудир: «Нақшбанд» — бар дил банд, яъни Оллоҳ зикрини юрагингга нақш қилгин ва доймо эзгу ишлар билан шуғулланг. Мазкур жойдаги осориатиқалар ҳижрий X асрдан то XIV (XVI-XX мелодий) аср бошларигача турли-туман тараққийпарвар ҳукмдор ва ҳар хил касбдаги ихлосмандлар томонидан бино этилган.

«Эй қабрда ётган мўминлар! Сизларга Оллоҳ таолонинг саломи ва раҳмати бўлсин. Биз ҳам сизлардан кейин вафот этувчилармиз. Ўзимизга ҳам, Сизларга ҳам Оллоҳ таолонинг раҳматини сўраймиз... Пайғамбар Алайҳиссалом айтадиларки: «Қабрларни зиёрат қилмоқлик охиратни эслатади».

«Эй парвардигор, бизларнинг гуноҳларимизни кечиргил. Шу билан бирга биздан олдин ўтган имонли кишилар гуноҳини ҳам кечиргил ва имонн бор кишиларга нисбатан бизнинг кўнглимизда адоват уйғотмагил. Парвардигор, сен меҳрибон ва раҳмдилсан.

Зиёрат вақтида қабр тошларни ўпмоқ, дарахтларни ва дарвоза ёки устунларни кўзга суртмоқ, ўтган марҳумлардан ёрдам сўрамоқ ислом динида катта гуноҳдир. Қуръони Каримда Оллоҳ таоло бандаларига таълим бериб айтадиларким: «Эй парвардигор! Сенгагина ибодат қилиб, фақат бир сендангина ёрдам сўраймиз». Шунинг учун барча ҳожатларимизни, мурод-мақсадларимизнй Оллоҳ таолонинг ўзидангина сўрамоғимиз даркордур. Ва барча эҳсон, садақаларимизни Оллоҳ учун холис қилишимиз лозим. Қабристонларда шам ёқмоқлик гуноҳи азимдур. Шаъмнинг савоби етмас, балки қилинган дуо ва фотиҳалар савоби марҳумларга тегадур. Оллоҳ таоло ҳаммамизни роҳи ростга ҳидоят айлаб, пайғамбар алайҳиссалом суннатларига олиму омил айласин.

## АЛЛОМА ҚАДАМЖОЛАРИ

АМИР Темурнинг замондоши Баҳовуддин Нақшбанд — Саид Муҳаммад ибн Жалолиддин (1318—1389) —машҳур шайх; нақшбандийлик оқими (тариқати)нинг асосчисидир. Унинг туғилган ва вафот этган ери Бухоро шаҳри яқинидаги Қасри Гиндуан қишлоғи ҳисобланади. У ёшлик давриданоқ сўфизм йўлига кирган. Устози (пири) Мир Саид Кулол бўлиб, ислом динимизнй тозалаш, унй илк ҳолатига қайтариш ғоясини, яъни Муҳаммад пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам таълимотига қатъий итоат этишнй нлгари суради. Ўзини Муҳаммад авлодидан деб билади. У ҳамиша кишилари фақирликка ундайди, деҳқончилик билан шуғулланадй. Кейинроқ эса шойи газламаларни рангдор гуллар билан безаган ва маъданларга ҳар хил нақшлар солган. Шундан Нақшбанд тахаллусини олган. Яъни, нақш билан безовчи маънода. У Арабистон, Эрон, Марказий Осиёнинг кўплаб шаҳарларида бўлган.

Бухоро Амир Темурнинг волидан муҳтарамаси Тегина бегим Моҳ шаҳридир. Соҳибқирон шунинг учун ҳам бу юртга ҳеч қачон ёмон кўз билан қарамай, зиёратгоҳ шаҳар деб атаган. Жангу-жаделлардан сўнг Бухорога йўли тушса, шаҳарга киришдан олдин отдан тушиб, яёв кирар эканлар. Бу онага бўлган ҳурмат эди. Шу боис ҳеч қачон Бухорога қилич кўтариб кирмаган.

Шайх Баҳовуддин қабри — мозори ёнида шу ном билан аталувчй меъморий мажмуа бор, у XVI асрга тааллуқли. Мозор Абдулазизхон буйруғи билан тартибга солинган ҳамда 1544-1545 йилларда обиданинг энг катта биноси—хонақоҳ қурилган. Баҳовуддин ёдгорлигининг асосий қисмига даҳмалар (Дахмаи шоҳон ва Баҳовуддин даҳмаси), мақбара, икки масжид, сакхона, ҳовуз, қудуқ, минора, мадраса ва Абдуллохон хонақоҳи киради. Ёдгорлик кичик гумбазли чортоқ дарвозахонадан бошланиб, дарвозадан ўтсак, ўнг тарафда кичик масжид, чап тарафда келиб кетувчилар учун (зиёратчилар учун) турли бинолар бўлганлиги маълум.

Чапда хонлар мозорй — Даҳмаи шоҳон бўлиб, унинг баландлиги 2,5 метр, тўртбурчак, усти кул ранг мармар билан қопланган. Мармарда ўймакорлик, ҳаттотлик санъати мужассам. Мармарларга тоқчалар, устунчалар, шарафалар, сарв сурати ва бошқа безаклар ўйилган.

Дахмаи шоҳондан ўтилгач пештоққа кўзимиз тушиб, унинг эшигидан ўтилса, ўнгда гумбазлй мақбара мужассам (бу кимники эканлиги номаълум).

Кираверишдан чапдан олтин устунли, олди айвон қилинган масжид бор. Унинг номи Музаффархон масжиди. Унинг ёнида иккй устундан иборат Ҳаким қушбеги масжиди бор. Жанубида нақшли, шимолида нақшсиз айвонлар қурилган. Баҳовуддин даҳмаси эса мармар қопланган каттагина тўртбурчак супа бўлиб, атрофи чиройли мармар панжара билан ўралган. Ундан ташқари нари (шимол)да айлана зинали мармар ҳовуз бор. Дахма билан ҳовуз оралиғида қудуқ бўлиб, унинг суви шифобахш ҳисобланган. Ҳаким қушбегй масжидининг шимолий қисмида минора бўлиб, кўримсиз даражада, унинг ёнида ҳовуз бор. Катталиги ҳовлидаги ҳовуздан уч баравар ортиқ. Ҳовлининг ташқарисида супа бор, унинг устига хонақоҳ қурилган: эни 37 м, бўйи 40 м. Марказида масжид, тўрида меҳроб бор. Ҳужралари ҳам мавжуд. Бу ёдгорлик мажмунга ундан 0,5 километр шимоли — шарқда жойлашган «Қасри Орифон» масжиди ҳам кирган. Унда кичик минора бўлиб, уч тарафдан айвони ҳам бор...

Хуллас, Бухоро янги ва эски шаҳарга бўлинган. Қадимий обидаларнинг аксарияти ҳам шу эски шаҳарда жойлашган. Бу обидаларнинг тарихи ҳақида минглаб асарлар битиш мумкин. Иншоолоҳ шундай имконият эндиликда мавжуддир...

**Мурод Мирзо АҲМАДҚОРИ ўғли.**

# ТАРБИЯГА ҲАММА ДАХЛДОР

Бекобод шаҳрида ҳозирги иқтисодий жиҳатдан қийин кечаётган кунларда ҳам ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирмасликка ҳаракат қилаётган ўнлаб йирик завод ва фабрикаларнинг турли миллат вакилларидан иборат байналминал жамоалари бир оила фарзандларидек ҳамжиҳат иш юритиб, ўзларининг меҳнатдаги қувончли натижалари билан жумҳуриятимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Шаҳарда инсон омилига алоҳида эътибор қилинаётганлиги, ҳозирги иқтисодий қийин шароитда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари ҳамиша диққат марказида бўлаётганлиги натижасида одамларнинг яшаш шароити, турмуш тарзи маромида давом этмоқда. Кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган озиқ-овқат таъминоти, турли хил маиший, маданий ва коммунал хизмат турларининг намуналн ташкил этилганлиги бу борадаги муваффақиятларнинг асосий мезонидир. Шаҳар аҳолисининг ўзаро тотувлигини таъминлаш, ишчиларнинг меҳнат қилиш ва турмуш кечириш шароитларини яна ҳам яхшилаш борасида қўшимча саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Бунинг учун биринчи навбатда аҳоли манфаати ва осойишталигини муҳофаза қилиш, ҳуқуқ-тартибот ишларини тўғри йўлга қўйиш тақозо этилади. Ана шу муҳим масалаларни алоҳида ҳисобга олган шаҳар ҳокимлиги асосий эътиборни ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга масъул бўлган идоралар фаолиятини кучайтиришга қаратмоқда.

Натижада турли кўринишдаги тартиббузарликларга, жиноятчиликка, мустақил жумҳуриятимизда тобора шаклланиб бораётган ҳуқуқий жамият таомилларига бутунлай зид бўлган бошқа ёт кўринишларга қаршн аёвсиз ўт очилмоқда. Бу борада жумҳуриятимиз Президенти ўртоқ Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг халқ депутатлари Сурхондарё ва Жиззах вилоятларининг навбатдан ташқари сессияларидаги нутқларидан келиб чиқадиган хулосаларга мувофиқ шаҳар фаоллари кенгашида ҳам муҳим вазифалар белгилаб олинган эди. Эндиликда якдил мақсадни ўз олдиларига қўйиб иш юритаётган ҳуқуқ-тартибот муассасалари ўзаро ҳамкорликни кучайтириб асосий эътиборни одамлар осойишталигини таъминлашга қаратмоқдалар.

Хусусан, кейингн вақтда савдо ва умумий овқатланиш тармоқларидаги кўплаб қонунбузарликлар фош этилди. Гиёҳвандлик ва фуқароларнинг мол-мулкига тажовуз қилишга оид ҳаракатлар билан шуғулланган ўнлаб уюшган жиноятчилар гуруҳлари аниқланиб, айбдорлар қўлга олинди. Шубҳа уйғотган бир қатор шахсларнинг уйларида тинтув ўтказилиб, қонунсиз равишда сақлаётган қурол-яроғлари мусодара этилди. Айни вақтда кўрилаётган чора-тадбирлар натижасидан шу нарса маълум бўлмоқдаки, фош этилаётган аксарият жиноятларга кўпинча ҳали балоғат ёшига етмаган ўсмирлар ҳам аралашиб қолмоқдалар. Вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳатто энг оғир жиноятларни содир этганлар ҳам учрамоқда. Бу эса жойлардаги маҳаллалар фаолиятининг суст эканлиги, айрим ота-оналар ўз фарзандлари тарбиясига етарлича эътибор қилмаётганлиги оқибатидир. Ўсмирлар ўртасидаги жиноятларни камайтиришга таълим-тарбия ишларини намунали йўлга қўйиш ва маҳалла фаоллари, мактаб, ота-оналар ҳамкорлигини таъминлай олиш орқалигина эришиш мумкин.

Яқинда мана шу масала бўйича шаҳар прокуратурасиннг ташаббуси билан фарзандлар тарбияси масаласига бағишланган ота-оналар кенгаши ўтказилди. Ҳокимлик вакиллари, халқ таълими ва ички ишлар бўлими раҳбарлари, маҳалла фаоллари ва юзлаб ота-оналар шаҳрадаги Максим Горький номли мактаб залига тўпландилар. Балоғатга етмаган ёшлар ўртасидаги тартиббузарликларнинг олдини олиш бўйича маъруза қилган шаҳар прокурорн, адлия маслаҳатчиси Ортиқбой Мўминов ҳуқуқ-тартибот идоралари амалга ошираётган ишлар хусусида тўхталиб ўтди.

— Сўнгги вақтларда жумҳуриятимизда ёшлар тарбиясини кучайтириш борасида ғоятда муҳим ишлар амалга оширилмоқда, — деди у ўз нутқида. — Хусусан, жумҳуриятимиз Президентининг «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этиш тўғрисидаги фармони, миллий мафкура масалаларининг изчил кўтарилаётганлиги ана шулар жумласидандир. Ёш авлод биргина жисмоний жиҳатдан эмас, балки маънавий жиҳатдан ҳам баркамол бўлмоғи лозим. Чунки маънавияти соғлом, тафаккури юксак бўлган инсон ҳеч қачон жиноят кўчасига кирмайди. Бунинг учун эса аввало жойларда фарзандлар тарбияси ишларини юксак савияга кўтариш лозим бўлади. Мактабда таҳсил олаётган ёшларнинг тарбияси машғул бўлишни биргина муаллимлар зиммасига юклаб қўйиш билан ҳеч қандай натижага эришиш мумкин эмас. Халқимизда «бир болага етти маҳалла оталик қилади», деган ажойиб иақл бор. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ҳар бир ўсмирнинг юриш туриши, камолоти учун у яшаётган маҳалла аҳли, кексалар, фаоллар ҳам масъулдирлар. Агар бирор балоғатга етмаган бола жиноят кўчасига кирар экан, бунга унинг ота-онаси қатори ўқитувчилари ва маҳалла аҳли ҳам сабабчидир.

Маъруза юзасидан сўзга чиққан шаҳар ички ишлар бўлимининг балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш инспекцияси бошлиғи милиция майори Алижон Худойбердиев ҳам сўнгги вақтларда аниқланаётган тартиббузарликларнинг асосий қисмини асосан ёшлар содир этаётганлигини таъкидлади. Ачинарли томони шундаки, уларнинг аксарияти мактаб ўқувчиларидан иборат бўлмоқда. Масалан, ўтган тўрт ой мобайнида милиция ходимлари «Ўсмир», «Тун» деб номланган тадбирлар ўтказди. Текширишлар натижасида турли майда безориликларни содир этган 127 нафар ўсмир ички ишлар бўлимига келтирилди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич ўтган йилнинг тўрт ойида атиги 56 нафарни ташкил этган эди. Тартиббузарликлари қайд қилинган ўсмирлар орасида кенгаш ўтаётган мана шу мактаб ўқувчилари ҳам бор. Агар муаллимлар, ота-оналар ва маҳалла қўмиталари қонунбузарликка қарши курашишни фақат милициянинг иши деб билсалар катта хато қиладилар. Ёш авлод тарбияси ҳаммамизнинг асосий кундалик вазифамиз бўлиши лозим.

— Мен бундай тадбир барча маҳаллаларда тез-тез ўтказилиб турилншн тарафдориман, — деди ота-оналар номидан сўзга чиққан Фарҳод маҳалла қўмитаси раиси Раҳимберди Абдураззоқов. — Бу ерда жуда тўғри гаплар айтилди. Биз ота-оналар бир нарсани тан олишимиз керак. Кейинги вақтларда тирикчилик ташвишига ўралашиб, энг асосий вазифамиз ҳисобланган фарзандлар тарбияси масаласнда етарлича жон қуйдирмай қўйдик. Натижада болаларимиз ўртасида жамоат ва маъмурий тартиббузарлик ҳаракатларини келтириб чиқараётганлари кўпайиб кетяпти. Ўрта мактабни тамомлаган ёшлар аксарият ҳолларда ишга жойлашолмай қийналишади. Шаҳримиздаги «Меҳнат биржаси» бу муаммони ҳал этишга кўмаклашса яхши бўларди. Биржа раиси Номоз Мавлонов айтилган фикр юзасидан ўз мулоҳазасини билдириб, ёшларни ишга жойлаштириш мақсадида аниқ тадбирлар белгиланаётганлигини, мактабнинг битирувчи синф ўқувчиларига шаҳардаги бўш иш жойлари тавсия қилинганлигини таъкидлади. Шаҳар халқ таълими бўлимининг услубчиси Раъноҳон Бобоева, ота-оналар номидан сўзга чиққан Маҳбуба Эркаева ҳамда Лолахон Тошматовалар ҳам фарзанд тарбияси масалалари бўйича ўз таклифларни билдирдилар. Кенгаш ишига шаҳар халқ таълими бўлими мудири Муҳиддин Ортиқов якун ясади. Шаҳар ҳокимининг муовини Ботирқул Содиқов кенгашда қатнашиб сўзга чиқди. Йиғилиш ниҳоясида унинг қатнашчилари таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш бўйича шаҳар аҳолисига мурожаатнома қабул қилдилар.

**И. ТОЩЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

**Суратда: ота-оналар йиғилишида.**

**М. ҚОРАБОЕВ суратга олган.**

**● ПИСКЕНТ районидаги «Ўзбекистон» давлат хўжалиги узумзорларида ҳашоратга қарши кураш намунали ташкил этилган. Суратда: хўжалик агроном энтимологи Эргаш Эралиев дори сепиш агрегати ҳайдовчиси Саидкарим Насруллаев билан узумзорда.**

**Ф. УМУРЗОҚОВ суратн.**

## ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

**● УЗБЕКИСТОН Миллий Ахборот маҳкамаси мухбирининг хабар қилишича, иккн биродарлашган шаҳар — қадимнй ва навқирон Бухоро билан Туркиянинг гўзал шаҳарларидан бири Малатия ўртасида дўстона ва маданий алоқалар тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Малатия шаҳри волийси Мунир Эрколнинг Бухоро шаҳри ҳокими Убайдулла Носировга яқинда йўллаган мактубида таъкидланишича, мазкур шаҳар кўчаларидан бирига Бухоро Шарнф номи берилган. Буни ўзига хос жавоб илтифоти деса бўлади. Чунки, йил бошида Бухоро кўчаларидан бирига Малатия номи берилган эди.**

**● БИРЛАШГАН Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бутрос Бутрос Ғолий яқинда Марокашга ташриф буюрди. У бу ерга Ғарбий Саҳроо Кабирнинг тақдирини белгилаш ҳақида анжуман ўтказиш масаласи хусусида Марокашнинг расмий арбоблари билан музокаралар олиб бориш мақсадида келди. Бунинг боиси шундаки, ПОЛИСАРИО мухолиф томони 1975 йилда Марокашга қўшиб олинган Ғарбий Саҳроо Кабирида мустақил давлат тузилишини талаб қилиб чиқмоқда.**

**● АМЕРИКА Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон Вьетнам уруши вақтида дом-дараксиз йўқолган америкалик ҳарбий хизматчиларнинг тақдирларига тааллуқли бўлган ҳужжатларни ошкор этиш ҳақида фармойиш чиқарди. У куни кеча Қўшма Штатларда марҳумларни эслаш куни муносабати билан Вьетнам ёдгорлиги ёнидаги тантанали маросимда юқоридаги гапларни айтди. Барча Америка фуқароларн жанг майдонларидан қайтиб келмаган барча ватандошлар хотирасини ҳурмат билан ёдга олмоқда.**

**● ЖАНУБИЙ Хитой денгизидаги нефтга жуда ҳам бой бўлган Спратли оролларн Осиёдаги бир қанча давлатлар ўртасида қизғин баҳслашувга сабаб бўлиб турибдн. Масалан, Хитой, Вьетнам, Тайван, Бруней, Сингапур, Филиппин, Индонезия, Малайзия ҳамда Таиланд снигарн мамлакатлар юқоридагн оролларни ўзларинки деб даъво қилмоқдалар ёки бу ердаги можаро бартараф этилишидан бевосита манфаатдор эканликларини билдирмоқдалар. Филиппин пойтахти — Манила шаҳрида очилган халқаро конференция баайни ана шу муаммога бағишланди.**

**● БУЮК Британия раҳбарияти олимларнинг хорижий мамлакатларга кетиб қолишининг олдини олиш мақсадида илм-фанни ривожлантириш учун мамлакат ичкарисида ўта қулай шароитлар яратиб бериш лозим эканлигига даъват этмоқдалар. Деярли 20 йил мобайнида биринчи марта эълон қилинаётган «Оқ китоб»да ҳукуматнинг шу хусусдагн снёсати батафсил баён этиб берилди. Ҳозирги пайтда британиялик олимлар олтмишинчи йиллардаги каби оммавнй равишда кетиб қолаётганлари йўқ. Шундай бўлсада, Жон Мейжор ҳукумати эҳтиёт чораси кўриб қўйишга қарор қилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС мухбири Лондондан.**

**● ХИТОЙ Халқ Жумҳуриятн Россиядан ёки бошқа давлатлардан авианосецлар ҳарид қилмоқчи эмас. Япония Киодо Цусин ахборот маҳкамасиннинг хабар қилишига қараганда, Осиёдаги бирқанча мамлакатлар бўйлаб сафар қилиб юрган ХХЖ мудофаа вазири Чи Хаотянь Малайзияга сафар қилган вақтида ана шундай фикрни билдирди. Вазир сўзларига қараганда, Пекин асосан мамлакатни иқтисодий ривожлантиришга зўр бермоқда. Шу сабабли у катта-катта маблағларни совурнб юборишдан анча йироқдадир.**

**● РУМИНИЯ Демократик конвенцияси деб аталган уюшмага кирувчи қатор сиёсий партияларнинг раҳбарлари Россия президенти Борис Ельцинга очиқ мактуб йўлладилар. Улар мазкур хатда Молдова республикасиннинг фуқаролари устидан Тирасполда бўлаётган суд мажлисини тўхтатиш учун «ўз обрўси ва нуфузи»дан фойдаланишни илтимос қилдилар.**

**● ЯПОНИЯ валиаҳд шаҳзодаси Нарухитонинг уйланиши арафасида 30 минг нафарга яқин полициячи олий даражадагн тайёргарлик ҳолатига келтирилди. Император саройи ва хонадонига алоқадор бўлган бошқа бинолар ҳимояси ҳам кучайтирилди, полициячилар автомобилларни бот-бот тўхтатиб, текширувдан ўтказмоқдалар.**

# САҲОВАТ КЕЧАСИ

ХАЛҚИМИЗ азалдан бева-бечоралар, етим-есирлар, ногиронлар, кам таъминланган, кўп фарзандли оилаларга ўз меҳр-мурувватти ва саховатини дариғ тутмаган. Турли байрамларда, рамазон ва ҳайит кунларида уларнинг ҳолидан, турмушидан хабар олинган. Қалби заковат, меҳридарё халқимизнинг бундай анъаналари, урф-одатлари авлоддан-авлодга ўтиб, бугунги кунда янгича тус олмоқда.

Яқинда Тошкент вилояти Қизил Ярим ой жамияти ташаббуси билан пойтахтдаги муҳташам Халқлар Дўстлиги саройида ўтказилган «Кулдирамиз, қувнаймиз» ҳайрия томошаси фикримизнинг яққол далилидир. Уч кун мобайнида бўлиб ўтган бу ҳайрия концерти Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамияти ҳамда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланди. Томоша бошланиши олдидан саҳнага Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти раиси Ўктам Воҳидова, вилоят жамияти раиси Флюра Латипова, Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари федерацияси вакили швейцариялик жаноб Торь Плантинглар чиқишади.

— Бугунги тадбир тақдир тақозоси билан ногирон бўлиб қолган болалар, ёлғиз қариялар, кўп болали оналарни ва умуман ёрдамга муҳтожларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилгандир, — деди вилоят Қизил Ярим ой жамияти раиси Флюра Латипова, — ушбу томошадан тушадиган маблағ сиз азизларнинг улушларингиз сифатида кўнгли яримта инсонларни ўз ҳимояси остига олган ташкилот ҳисобига ўтказилади ва Тошкент вилоятида ҳайрия ишларини амалга ошириш учун сарфланади.

Шунингдек, ушбу тадбирда Торь Плантинг жаноблари сўзга чиқиб, болаларни ҳимоя қилиш, айниқса, ногиронларга нисбатан ғамхўр бўлиш ҳар бир инсонпарвар жамият учун хос бўлган хусусият эканлиғини таъкидлади.

Сўнгра ҳайрия тадбирининг бир қанча ҳомийлари муҳтож кишиларга мурувват кўрсатдилар. Янгийўллик ёлғиз қария Тожибиби Юсупова, бўстонлиқлик етим бола Элзод Пирметовга ёрдам тариқасида кийим-кечаклар ва пул, Янгийўл шаҳридан кўп фарзандли онахон Зебо Абдусатторова ва уруш фахрийси Йўлдош Рихсибоевларга ҳамда фахрий донор Валентина Карчугановаларга совға-саломлар улашилди. Бундан ташқари уюшма номидан ҳам бир қанча кишиларга ва болалар муассасаларига ёрдам кўрсатилди. Жумладан, ўртачирчиқлик ногирон Андрей Бугановга ногиронлар аравачаси, Чирчиқ шаҳри туғруқхонасига тиббий анжомлар, Паркент районидаги марказий касалхонанинг болалар бўлимига бир марта ишлатиладиган дорининалар ҳадя этилди. Бундай ҳайр-эҳсон тўпланганлар қалбида саховатпеша жамиятга нисбатан ҳурмат туйғусини янада оширди.

«Кулдирамиз, қувнаймиз» томошаси эса томошабинлар қалбига янада илиқлик олиб кирди. Ҳатти-ҳаракатларида истеъдодлари уфуриб турган жажжи кичкинтойлар ижро этган қўшиқ ва ўйинлар, гўзалликка сайқал берувчиларни эслатувчи раққоса қизлар ҳадя этган «гулдаста», кулгу усталари Мирзабек Холмедов, Тўхтамурод Азизов, Матёқуб Матчонов, Болтабой Тошматовларнинг ичакузди ҳангомалари, хонанда Ойбек Султонов ижросидаги қўшиқлар кишилар кайфиятини кўтарди, кеча файзига файз қўшди. Хуллас, ҳайрия томошаси эл кўнглидаги тадбир сифатида кўпнинг дуосига сазовор бўлди.

**Х. ШАФОАТОВ.**

**● СУРАТЛАРДА: ҳайрия тадбиридан лавҳалар.**
**Фахриддин УМУРЗОҚОВ олган суратлар.**

# «БИРИНЧИ ЁРДАМ КЎРСАТИШГА ТАЙЁРМИЗ»

Пойтахтимиздаги Боғи Эрам маданият ва истироҳат боғида тез-тез турли маданий тадбирлар, учрашув ва қизиқарли кечалар ўтказилиб турилади. Куни кеча ҳам бу маданият маскани одатдан гавжум бўлди. Бу ерда «Саломатлик йўлида биз ёрдамга тайёрмиз!» шиори остида мактаб ўқувчиларининг XIV вилоят слёти бўлиб ўтди. «Ёш саломатлик дўстлари» деб номланган ушбу слёт Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамияти кунига бағишланди.

Слётда Тошкент шаҳри ва вилоятимизнинг шаҳар, районларидан келган ўқувчилар, ўз ҳудудларида бўлган санитар постлари мусобақалари ғолиблари иштирок этдилар.

Қатнашувчилар иккита шарт бўйича мусобақалашиб, ўз билим ва маҳоратларини намойиш этдилар. Дастлабки шарт бўйича ўқувчилар шахсий ва жамоатчилик гигиенасига қай тарзда амал қилиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, беморлар парваришида асосий эътиборни нималарга қаратиш, доривор гиёҳларнинг қайси турлари қандай дардларга даво бўлиши, автомобил фалокатига йўлиқмаслик учун нималарни билиш зарурлиги, ана шуидай бахтсиз ҳодисалар рўй берганда жабрланганларга қандай биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш кераклиги бўйича мусобақалашдилар. Кейинги шарт бўйича иштирокчилар тайёрлаб келган деворий газеталарга ҳам баҳолар қўйилди.

Умумий якун бўйича шаҳарлар ўртасида Ангрен шаҳридаги 33-мактаб вакиллари биринчи, Янгийўл шаҳридаги 5-мактаб ва Олмалиқдаги 18-мактаб ёш санитарчилари иккинчи ва учинчи ўринларни эгалладилар. Районлараро мусобақаларда эса Бўстонлиқ районидаги 2-мактаб, Бекобод районидаги 6-мактаб, Паркент районидаги 4-мактаб вакиллари яхши натижаларга эришдилар.

— Бугунги учрашув, қолаверса, санитария постларига қатнашувингиз ҳар бирингиз учун ҳаётда ниҳоятда фойдалидир,— деди слётга якун ясар экан вилоят Қизил Ярим ой жамияти қўмитаси раисининг муовини Ю. Юсупова,— Чунки, ҳар бирингиз энг муҳтож пайтда инсонга қандай зарур тиббий ёрдам кўрсатишни биласиз. Бу эса ҳаётда жуда кўп қўл келиши табиийдир.

**Ф. СУЛАЙМОНОВА.**

● *Вилоятимиз янгиликлари*

## ПАРКЕНТ

Шу йилнинг январь ойида райондаги «Гулбоғ» совхоз заводида хусусий кичик сут заводи фаолият бошлаган эди. Ўтган қисқа муддат ичида районда фақат ёнилғига кетадиган сарф ҳаражат иқтисод қилинганлиги ҳисобига 5 миллион сўм тежаб қолинди. Шу билан бирга энди Паркентдаги хўжаликлар қўшни райондаги Янгибозор сут қабул пунктига маҳсулотни олиб бориб юрмайдилар. Бу қабул пунктида маҳсулот Чирчиқ суг заводига жўнатишдан олдин, тозаланарди ва дастлабки ишлов берилади. Энди эса бу ишларнинг бари «Гулбоғ»нинг ўзида бажарилади. Завод бир суткада 20 тонна сутни қабул қилиб олиш қувватига эга. Кунига 15 тоннадан 17 тоннагача сут етиштириладиган район учун бу етарлидир. Бунинг устига маҳсулотнинг 80 фоизи буюртма асосида Чирчиқ шаҳрига жўнатилади. Қолганидан эса шу ернинг ўзида сариёғ тайёрланмоқда. Бу эса кундалик озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж сезилаётган бугунги кунда «Ташсельмаш» машинасозлик заводидаги ишбилармон шериклар билан асбоб-ускуналар алмашинишга имконият беради.

●

## ЮҚОРИЧИРЧИҚ

Райондаги археологик ёдгорликларни кўпчилик яхши билади. Тарихчи ва археолог олимлар томонидан уюштирилган илмий экспедициялар чоғида ўлка тарихига доир кўпгина топилмалар қўлга киритилган.

Эндиликда бу хил археологик материаллар райондаги «Олға» жамоа хўжалигида жойлашган 17-мактаб музейида сақланмоқда. Уни ташкил этишда билим юрти тарих ўқитувчиси У. Абдиқулов бош-қош бўлган эди.

Ҳозир бу ерда 20 мингдан ортиқ турли қизиқарли экспонатлар бор. Уларни тўплашда ёш археологлар тўгараги аъзолари ҳам кўп изландилар.

Шунингдек, ўқитувчи У. Абдиқулов бошчилик қилаётган тарих тўгараги ҳам бу борада жонбозлик кўрсатди. Эндиликда музей мактаблар учун машғулотлар олиб борувчи ўқув синфхонасига ҳам айланган.

Яқинда ушбу музей ўзининг чорак асрлик юбилейини нишонлади. Шу муносабат билан Ўзбекистон тарих ва маданий ёдгорликларни сақлаш республика жамияти музей жамоасини қизғин қутлади, унинг фаолиятини янада жонлантиришда ўз амалий ёрдамини аямаслигини билдирди.

●

## ЯНГИЙЎЛ

Н. Ниёзов номли жамоа хўжалигида бичиш-тикиш цехи дастлабки маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлади. Бу ерда болалар ва катталар учун кийим-кечаклар тикилмоқда. Ҳозирча 10 нафар хотин-қиз ишлаётган бу цехга Э. Эрмонова етакчилик қилмоқда.

Муҳаррир
**Н. НАСИМОВ.**

# ТУРКИЯ АВТОБУСЛАРИ

**Олмалиқ шаҳри кўчаларида Туркиядан келтирилган янги автобуслар пайдо бўлди. Замонавий, юмшоқ, қулай ўриндиқли бу автобуслар хизматидан олмалиқликлар мамнуи бўлмоқдалар. 1- ва 5-йўналишлар бўйича қатновчи Мухтор Назаров, Николай Васевский каби тажрибали ҳайдовчиларга янги автобусларда шаҳарликлар узоғини яқин қилиш топширилди.**

**Олмалиқ — Тошкент оралиғида эса Германиядан келтирилган автобуслар қатнамоқда.**

**Ф. ПАРДАЕВ.**

● *Жиноятга жазо муқаррар!*

# МИЛИЦИЯНИНГ БОЗОРДАГИ МАНЗИЛГОҲИДА

ЯҚИНДА Чорсу деҳқон бозорининг ҳўл мевалар савдоси расталаридан бирида шу бозордаги жамоат тартибини сақлаш манзили бошлиғи милиция капитани Мардон Ражабов ва шу манзил нозири милиция капитани Ҳикмат Тошпўлатовлар маҳсулот сотаётган деҳқонлардан бир минг сўмлик қоғоз пулни майдалаб олаётган пайтда шубҳали кўринган бир «харидор»ни ушладилар. Чунки, у пулни майдалаш вақтида ҳадиксираб атроф-теваракка олазарак қарарди.

Милиция бўлимининг бозордаги манзилига келтирилган бу харидорнинг қўлидаги пул қақиқатан ҳам қалбакилигига ишонч ҳосил қилгач, миршаблар дарҳол тинтув ва дастлабки расмий сўроқ ўтказдилар. «Харидор»нинг чўнтакларидан ҳаммаси бўлиб 66 дона минг сўмлик қалбаки пул топдилар. Пул эгаси Қорақалпоғистондан келган 22 ёшли йигит А. Т. экан. Ҳозир фавқулодда ўта хавфли бу молиявий-иқтисодий жиноят юзасидан Шайҳонтоҳур туман ички ишлар бўлими (бошлиғи милиция) подполковники А. А. Зиёвуддинов), бошқа ҳуқуқ-тартибот ва тегишли мутасадди органлар билан ҳамкорликда тергов ҳаракатлари бошлашди.

Биз шу муносабат билан бозордаги милиция манзили жамоасининг шу кунларда жиноятчиликка қарши кураш йўлида қилаётган ишлари ҳақида сўзлаб бермоқчимиз.

Мазкур жамоанинг чайқовчиликка қарши кураш даги хизматлари диққатни жалб этади. Манзил ходимлари шу йилнинг тўрт ой давомида 4,5 миллион сўмлик маблағ, турли саноат моллари, тақчил озиқ-овқат маҳсулотларини давлат жамғармасига топширдилар.

Ҳозирги бозор иқтисодиётининг мураккаб ва оғир жараёнида, етишмовчилик ҳукм сураётган бир пайтда ана шу вазиятдан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётганлар кўпайиб қолди. Бу кўпчиликка аён. Бундай кимсаларнинг қилмиши, юлғичлик, ўғрилик ва чайқовчиликдан иборатдир. Хусусан, бозорларда, айниқса, чайқовчилар ўз «фаолият»ларини авж олдирмоқдалар.

Маълумки, Чорсу бозори савдо-сотиқнинг энг улкан ва энг гавжум марказларидан биридир. Бу ердаги ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи ходимларга осон эмас, албатта. Бозорда рўй бераётган турли хил жиноятлар — ўғрилик, фирибгарлик ва чайқовчилик уларни доимо жанговарликка сафарбар этиб турадиг.

Бозор ҳудудида жойлашган милиция манзили икки бўлимдан иборат бўлиб, эрта соат 7 дан тунги 24 гача узлуксиз ишлайди. Бозорда содир бўлган ҳар қандай жиноий ҳатти-ҳаракат шу ерда рўйхатга олинади. Дастлабки текширишлар ҳам худди шу жойда ўтказилади. Хавфли иқтисодий, безорилик, кисавурликка оид жиноий ҳаракатлар бўйича материаллар район ички ишлар бўлимига ҳавола қилинади. Манзилгоҳ жамоасининг ходимларидан нозирлар: капитан Х. Тошпўлатов, майор Р. Раҳмов, лейтенант Т. Раҳмонов, А. Абдуҳакимов, сержант Ш. Усмонов, жамоатчи ёрдамчилардан Ш. Абдуллаев, З. Жўраев, А. Қурбонбоевларнинг хизматларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Уларга малакали ҳуқуқшунос, тажрибали тезкор ходим, милиция капитани Мардон Ражабов раҳбарлик қилмоқда.

Чорсу деҳқон бозорининг жуғрофий томондан шаҳар ҳудудида жойлашганлиги кўплар қатори ўзларига чайқовчилик, ўғрилик, фирибгарликни касб қилиб олганларни ҳамон жалб қилади. Бу ерга узоқ-яқиндан кимлар келмайди, дейсиз.

Мана, миршабхонанинг марказий манзили. Ўртадаги стол устида кўпгина ҳорижий мамлакатларда ишланган, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудудларидан келтирилган, қолаверса, ўзимизнинг Ўзбекистонда тайёрланган ранг-баранг саноат моллари: тайёр кийимлар, пойабзал, атир-упа, ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотларини кўрасиз. Буларнинг айримлари ашаддий чайқовчилардан давлат фойдасига мусодара қилинган, бошқалари эса жамоат тартибини биринчи марта бузган, маъмурий йўл билан жарима тўлаши лозим бўлгани учун манзилга таклиф қилинган шахсларга тегишлидир.

Тўрт ой мобайнида 125 кишидан 500 минг сўм жарима пули, ўта хавфли чайқовчилардан миллион сўм маблағ ва уч миллион сўмлик турли буюмлар давлатимиз фондига ўтказилди.

Бозордаги милиция манзилгоҳида қўлга тушган чайқовчилардан олинган моллар турли саноат корхоналари ишлаб чиққан маҳсулотлар. Нархи осмонда...

Президентимизнинг жиноятчиликка, жумладан, барча турдаги чайқовчиликка қарши курашни кучайтиришга қаратилган кўрсатмалари, қўлланилаётган амалий чоралар ўз самарасини бермоқда. Жиноятчиликка қарши кураш тобора оммавий тус олмоқда. Жиноятга — жазо муқаррардир, деган сўзлар ҳамма ерда акс садо бермоқда.

**М. НУРИДДИНОВ.**

**Суратларда: (ўнгда) милиция манзилгоҳи бошлиғи капитан Мардон Ражабов навбатдаги текшириш пайтида; (чапда) катта лейтенант Ш. Муҳамедов. Муаллиф суратлари.**

# ФУТБОЛ

## «ЧИРЧИҚ» ВА «ПОЛИТОТДЕЛ» ЮТУҒИ

**● РЕСПУБЛИКА миллий биринчилиги олий табақаси қатнашчилари қисқа муддатли танаффусдан сўнг бахсларни яна бошлаб юборишди. Жамоалар 10—11 тур оралиғида биллур соврни учрашувларини ўтказишди.**

**Турнир жадвалининг сўнгги поғоналарида бораётган вилоятимиз вакиллари — «Чирчиқ» ва «Политотдел» командалари учун ўн биринчи тур омад келтирди. Чирчиқликлар ўз майдонларида ўтган совриндори, кучли жамоалардан ҳисобланган Жиззахнинг «Суғдиёна» командасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. «Политотдел» футболчилари эса сафарда Гулистоннинг «Шифокор» жамоаси меҳмони бўлишди. Бу ўйинда ҳам омад вилоятимиз вакилларига кулиб боқди. Улар 2:1 ҳисобида ғолиб келиб, жадвалда икки поғона юқорига кўтарилдилар.**

**Тошкентнинг «Пахтакор» командаси Қўқонда «Темирйўлчи» жамоаси билан учрашди. Биринчи бўлиб мезбонлар ҳисобни очдилар. 43-минутда Ш. Мақсудов вазиятни тенглаштирди. 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаган тошкентликлар бир очко йўқотишди. Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари «Янгиер» клубини 5:1 ҳисобида мағлуб этиб, очколарни 17 тага етказдилар. Ҳозирда пешқадамлар — «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоаларини бор-йўғи 1 очко ажратиб турибди.**

**11-турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Трактор» — МХСК — 1:2, «Косонсой» «Нурафшон» — 1:3, «Навруз» — «Динамо» — 2:0, «Навбаҳор» — «Орол» — 3:0.**

**Кеча бошланган 12-тур ўйинлари эртага МХСК — «Чирчиқ» учрашуви билан поёнига етади.**

**ЕНҒИНДАН ЭҲТИЕТ БЎЛИНГ!**

## ЎТ БАЛОСИ ЁМОН...

Халқимизда «Ҳамма фалокатлардан ўт, сув балоси ёмон» деган нақл бор. Айниқса, ёнғин—тилсиз ёв. У ҳеч нарсани аямайди, оловли тиллари билан бор-будингизни ямлайди, одамларни доғда қолдиради, айрилиқ ўтига солади...

1993 йилда фуқароларнинг 11 миллион сўмликка яқин моддий бойликлари куйиб, кулга айланди, 13 киши ҳалок бўлди, 116 нафари тан жароҳати олди.

Одатда ёнғин болаларнинг гугурт ўйнашлари, носоз электр асбоблари, одамларнинг эҳтиётсизликлари туфайли содир бўлади. Баъзан лоқайдлик ҳатто йирик корхона, давлат муассасаларида ҳам ёнғинга олиб келади.

Шу йилнинг 16 апрель куни Зангиота район, «Қорасув» жамоа хўжалиги, «Қумариқ» қишлоғидаги 27-уйда (С. Раҳимов кўчаси) ёнғин чиқиб, 400 квадрат метр жойни эгаллади. Уйдан 2 та жасад топилди. Буларнинг бири уй эгасининг ўғли экан. Кейинчалик аниқланишича, электр чироғи ўчиб қолганлиги учун шамдан фойдаланишган экан.

Кейинги пайтда об-ҳаво паст келиб, кўп жойларда электр чироқлари тез-тез ўчиб турибди. Ана шундай пайтда шамлардан ниҳоятда эҳтиёткорлик билан фойдаланиш тавсия этилади.

Кўпинча уй бекалари дазмолни ёниқ ҳолда унутиб қолдирадилар. Чирчиқ шаҳар, Советская кўчасидаги 18-уйнинг 19-квартирасида яшовчи С. Аламалиқдинова уйида ҳам шу туфайли ёнғин чиқди, диван, кресло ва бир қанча буюмлар ёниб кетди.

Маслаҳатимиз шуки, ўт балосидан сақланинг!

**Н. ЕДГОРОВ,**
**вилоят ёнғинга қарши кураш бошқармаси ходими, ички хизмат майори.**

# САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистонда корейс тилидан мукаммал сабоқ беришни йўлга қўйишда «Ўзбекистон — Корея» жамияти ўзининг амалий ёрдамини аямаяпти. Хусусан, Тошкент Давлат педагогика институтининг кореялик мутахассислар билан яқин алоқа ўрнатишида ибратли ишлар олиб борилмоқда. Олий ўқув юртининг корейс тили кафедраси малакали мутахассис ўқитувчилар билан таъминланган. Ўзаро келишувга биноан корейс профессор ва доцентлари олий ўқув юртига жалб этилди.

Бундан ташқари корейс филологияси бўлимида таҳсил кўраётган талабалардан 80 га яқин киши Пхеньян ва Сеул шаҳарларидаги олий ўқув юртларида стажировкада бўлиб қайтди. Шунингдек, кафедранинг тўрт нафар ўқитувчиси Корея Республикасида бой педагогик тажриба орттирди. Кореядан юборилаётган дарслик ва қўлланмалар зарур ўқув-услубий адабиётлар бўлиб хизмат қилмоқда. Кейинги вақтда бундай китоблардан бир нечтаси Тошкентга олиб келинди. Корейс тилида чоп этилаётган бошқа даврий нашрлар ҳам кафедра ихтиёрига топширилади.

**А. АЛИЕВ.**

Тошкент вилоят ҳокимлиги вилоят судининг раиси Учқун Рустамович Қурбоновга падари

**Рустам ота ҚУРБОНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Тошкент вилоят суди жамоаси вилоят судининг раиси У. Қурбоновга отаси

**Рустам ҚУРБОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилоят прокуратурасининг маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси Олмалиқ шаҳар прокурори Ҳасан Қурбоновга отаси

**Рустам ҚУРБОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси, вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти жамоаси институтнинг собиқ директори, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, уруш ва меҳнат фахрийси, шахсий пенсионер

**Ҳосил Раҳимович ҚОБИЛОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ҳамда яқинларига ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

*Телефонлар:*

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.

АХБОРОТ, ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ — 33-99-15.

● Эълон ва билдирувлар кечиктирилмай чоп этилиши кафолатланади.

● Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар.

● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар Бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Индекс: 64672. 1 2 3 4 5 6

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000094. Буюртма Г—277. 29905 нусхада босилди, ҳажми—2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти—20.30. Босишга топширилди — 20.00